

Date: 13<sup>th</sup> April-2025

**ИҚТІСОДИЙ СУД ИШЛАРИНИ ЮРИТИШДА ЧЕТ ДАВЛАТ СУД  
ҚАРОРЛАРИНИ ТАН ОЛИШ ВА ИЖРОГА ҚАРАТИШ RES JUDICATA  
ТАМОЙИЛИНИНГ НАЪМУНАСИДИР**



**Давранбек Ахматов**

“Prae legal” адвокатлик фирмаси бошқарувчи шериги

[d.ahmatov@praelegal.uz](mailto:d.ahmatov@praelegal.uz)

Чет эл суд қарорларини тан олиш – даъвони суд жараёни иштирокчилаларининг бирини фойдасига ҳал қилинган деб ҳисоблашни англатади. Ушбу жараён, чет эл ваколати ва муаммони ҳал қилиш ҳуқуки олами as res judicata сифатида маълумдир<sup>1</sup>.

Marta Requejo Isidro Марта Рихиё Исидронинг фикрича, бир давлатда бошқа давлат суди қабул қилган қарори одатда уни тан олиш ёки ижрога қаратилишини талаб қиласди. Суд қарорини тан олиш res judicata билан ифодланади. Тан олинаётган ва ижрога қаратилаётган чет давлат суд қарори бошқа давлатда қайта кўриб чиқилиш мумкин эмас<sup>2</sup>.

Кўпгина хорижий мамлакатларда, Америка Кўшма Штатларида ҳам чет давлат суд қарорларини тан олиш ва ижрога қаратиш маҳаллий қонунлар ва res judicata тамоиллари (яъни, кўриб чиқилаётган масалалар аллақачон ҳал қилинган) билан тартибга солинади<sup>3</sup>.

Бутун дунёда чет эл суд қарорларини тан олиш ва ижро этишда чет суди томонидан низоли суд иши бўйича аллақачон суд қарори чиқсан ҳамда иш мазмунан кўриб чиқилган бўлади.

Res judicata тамоили одатда мазкур суд иши ёки низоли масала бўйича суд ечим бериб, қарор чиқарганини англатади.

Чет эл суд қарорининг тан олиниши қуйидаги афзаликларга эгадир: чет эл суд қарорининг тан олиниши ҳар икки томон учун иккинчи марта ушбу ҳолат юзасидан суд муҳокамасига кетадиган вақт ва маблағни тежайди; судларга юкламаларни камайтиради; одил судловни амалга оширишга тўсқинлик қиласиган, бирбирга қарама-қарши бўлган суд қарорларини қабул қилинишининг олдини олади<sup>4</sup>.

Чет эл суд қарорини тан олиш давлатни, фуқаролари ва бошқа ҳуқуқларни таъминлашда ҳудди ўз давлати суд қарорини ижросини таъминлагандек, таъминлаш мажбуриятини олганлигини тасдиқлайди<sup>5</sup>.

<sup>1</sup> Hilton v Guyot 159 U.S. 113; see [Adams v Cape Industries plc [1990] Ch 433]

<sup>2</sup> <https://www.cplj.org/publications/14-7-recognition-and-enforcement-of-judgments>

<sup>3</sup> <https://travel.state.gov/content/travel/en/legal/travel-legal-considerations/internl-judicial-asst/Enforcement-of-Judgements.html>

<sup>4</sup> Passport Special Opportunities Master Fund v. ARY Communications, 49 Misc. 3d 1216 (Sup. Ct. Nassau County 2015).

<sup>5</sup> Юсупова М. Чет эл фуқаролик процессида чиқарилган суд қарорларини тан олиш ва ижро этишнинг ўзига хос хусусиятлари. /Юридик фанлар ахборотномаси. 2017 йил. –Б.67-68.

Date: 13<sup>th</sup> April-2025

Мамлакатимиз процессуал қонунчилигига асосан чет эл суд қарорларни тан олиш ва ижрога қаратиш түғрисидаги ишлар маҳаллий судларимизда мазмунан кўриб чиқилмайди.

Д.Хабибуллаевнинг фикрича, чет эл суд қарорларни тан олиш ва ижрога қаратиш муаммоси ҳар бир давлат учун аҳамиятга молик ҳисобланади. Жаҳон тажрибасида ушбу муаммони ечишнинг иккита усули мавжуд. Биринчидан, суд қарори ижроси устидан назорат у ижро этилиши лозим бўлган худуд суди томонидан амалга оширилади. Ушбу турдаги суд назорати деганда биз, суд қарорига ҳуқуқий кучга эга эканлигини тан олишни тушунамиз (экзекватура бериш). Экзеватор бериш эҳтимоли ҳалқаро шартномалар орқали белгиланади, уни бериш тартиби эса, ижрога қаратилиши кутилаётган давлат миллий қонунчилиги орқали тартибга солинади.

Иккинчидан, чет эл суд қарорини унинг ижро этилиши зарур бўлган давлатда ҳуқуқий куч бермасдан туриб ижрога қаратиш тартиби ижро органлари томонидан ўзининг судлари қарорлари ижро этилиши тартибida амалга оширилади. Ушбу тартиб баъзи бир ҳудудий шартномалар кўрсатиб ўтилган тартиб-қоидалар орқали амалга оширилади. Чет эл суд қарорларининг соддалашган тартиби Европа Иттифоқи давлатлари ҳудудида мавжуддир<sup>6</sup>.

Ўзбекистон Республикасининг Фуқаролик процессуал кодекси ва Иқтисодий процессуал кодексида Чет давлат судлари ва арбитражларининг қарорларини тан олиш ҳамда ижрога қаратиш түғрисидаги ишларни юритиш тури белгиланган. Мамлакатимизда суд қарорига ҳуқуқий кучга эга эканлигини Exequatur тартиби орқали амалга оширамиз.

Ҳ.Абдурахмонованинг фикрича, чет эл суд қарорларини тан олиш ва ижро этиш, процессда чет эллик шахсларнинг ҳуқуқий ҳолати, чет эл судларининг суд топшириқларини бажариш институтларини фарқлаш лозим. Хусусан, чет эл суд қарорларини тан олиш ва ижро этиш институтида Аҳдлашувчи давлатнинг ички қонун ҳужжатлари асосида амалга оширилади. Масалан, Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик процессуал кодексининг (кейинги ўринларда ФПК) 363-моддасига кўра, чет давлат судларининг айrim процессуал ҳаракатларни бажариш түғрисидаги топшириқлари Ўзбекистон Республикасининг қонун ҳужжатлари асосида ижро этилиши белгилаб қўйилган<sup>7</sup>.

Хорижий арбитраж қарорларининг тан олиниши ва ижро этилиши маълум бир мамлакатнинг бизнес мухитини акс эттиради. Хорижий инвесторлар ва

<sup>6</sup> Хабибуллаев Д. Чет давлат судларининг ва чет давлат ҳакамлик судларининг (арбитражларининг) ҳал қилув қарорларини тан олиш ҳамда ижро этишни такомиллаштиришнинг айrim масалалари “Ўзбекистонда судлар фаолияти ва суд ҳужжатлари ижроси: уйғуллиги, бугунги ҳолати ва истиқболлари” мавзусидаги республика илмий-амалий онлайн конференцияси // – Тошкент, ТДЮУ, 2020. – 260 б.

<sup>7</sup> Абдурахмонова Ҳ. Чет давлат судларининг судга доир топшириқларини ижро этиш ва тан олиш. “Ўзбекистонда судлар фаолияти ва суд ҳужжатлари ижроси: уйғуллиги, бугунги ҳолати ва истиқболлари” мавзусидаги республика илмий-амалий онлайн конференцияси // – Тошкент, ТДЮУ, 2020. – 260 б.

Date: 13<sup>th</sup> April-2025

тадбиркорлар жараёнлар белгиланган халқаро стандартларга мос келишини дикқат билан қузатиб боради. Чунки бу уларнинг бизнесига таъсир қилиши мумкин<sup>8</sup>.

Чукушма Самуэлнинг фикрича, хорижий суд қарорларини тан олиш ва ижро этиш халқаро хусусий ҳуқуқнинг муҳим жиҳати ҳисобланади. Хорижий давлатда суд муҳокамаси бўлган, бироқ барча мол-мулки бошқа давлатда жойлашгани учун қарздор суд қарорини ижро қиласлиги мумкин. Бу эса фуқароларнинг ҳуқуқ тизимиға ишончи йўқолади, ва ҳуқуқий тартибсизлик вужудга келади. Халқаро ҳамжамиятнинг муҳим қисми фуқаролик ва тижорат масалалари бўйича чет эл суд қарорларини тан олиш ва ижро этиш барқарорлигини таъминлашга ҳаракат қиласди<sup>9</sup>.

Умуман олганда, хорижий давлат чет эл судларининг қарорларини тан олиш ва ижрого қаратишда қуйидаги ҳолталрни текшириши лозим:

- 1) суд қарори чиқарган суд ваколатга эга эканлигини аниқлаш;
- 2) жавобгар суд мажлиси ва жойи тўғрисида хабардор қилинганлигини аниқлаш;
- 3) иш юритиш сохта хужжат асосида бўлмаётгандигини аниқлаш;
- 4) суд қарори хорижий давлатнинг сувирентетини бузмаслигини аниқлаш.

Шуни таъкидлаб ўтиш жоизки, баъзи ҳолатларда хорижий давлат чет эл судларининг қарорларини тан олиш ва ижрого қаратишни рад этиши ҳам мумкин.

Германия Фуқаролик процессуал кодексининг 328-моддаси 1-қисмida чет эл суд қарорларини рад этиш учун қуйидаги асосларни кўрсатиб ўтади:

чет эл суди қарори немис қонунчилигига зид бўлса;

иш қўзгатилган тўғрисидаги ҳужжат жавобгарга тегишли равишда топширилмаган ёки жавобгарга ўзини ҳимоя қилишига имкон бермаган бўлса;

суд қарори илгари чиқарилган суд қарорига ёки Германияда илгари тан олинган хорижий суд қарорига мос келмаса;

тан олиш немис ҳуқуқининг асосий тамойилларига, айниқса асосий фуқаролик ҳуқуқларига мос келмаса;

ўзаро муносабат тан олинмайдиган бўлса (яъни, хорижий давлат Германия қарорларини тан олмайди, худди шу шартлар остида Германия ҳам ўша давлатдан чиқарилган қарорларни тан олади).

Бундан ташқари, немис судлари чет эл суд қарорларни мазмунан кўриб чиқа олмайди<sup>10</sup>.

Хулоса қилиб айтганда, иқтисодий суд ишларини юритишда чет давлат суд қарорларини тан олиш ва ижрого қаратиш res judicata тамойилининг наъмунаси саналади. Чунки, чет давлат суд қарорларини тан олиш ва ижрого қаратишдан олдин у хорижий давлатда мазмунан кўриб чиқилган бўлади, уни тан олаётган ва ижрого қарататдан давлатда мазмунан кўришга ҳожат қолмайди.

<sup>8</sup> Sherzodbek Masadikov RECOGNITION AND ENFORCEMENT OF FOREIGN ARBITRAL AWARDS IN UZBEKISTAN. Access to Justice in Eastern Europe Journal homepage <http://ajee-journal.com>

<sup>9</sup> Chukwuma Samuel Adesina Okoli. The recognition and enforcement of foreign judgments in civil and commercial matters in Asia. Journal of Private International Law Pages 522-541 | Published online: 17 Jan 2023. Cite this article <https://doi.org/10.1080/17441048.2022.2115615>

<sup>10</sup> <https://cms.law/en/int/expert-guides/cms-expert-guide-to-recognition-and-enforcement-of-judgements/germany>

Date: 13<sup>th</sup> April-2025

**ФОЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР:**

1. Hilton v Guyot 159 U.S. 113; see [Adams v Cape Industries plc [1990] Ch 433]
2. <https://www.cplj.org/publications/14-7-recognition-and-enforcement-of-judgments>
3. <https://travel.state.gov/content/travel/en/legal/travel-legal-considerations/internl-judicial-asst/Enforcement-of-Judgements.html>
4. Passport Special Opportunities Master Fund v. ARY Communications, 49 Misc. 3d 1216 (Sup. Ct. Nassau County 2015).
5. Юсупова М. Чет эл фуқаролик процессида чиқарилган суд қарорларини тан олиш ва ижро этишнинг ўзига хос хусусиятлари. /Юридик фанлар ахборотномаси. 2017 йил. –Б.67-68.
6. Хабибуллаев Д. Чет давлат судларининг ва чет давлат ҳакамлик судларининг (арбитражларининг) ҳал қилув қарорларини тан олиш ҳамда ижро этишни такомиллаштиришнинг айрим масалалари“Ўзбекистонда судлар фаолияти ва суд ҳужжатлари ижроси:уйғунлиги, бугунги ҳолати ва истиқболлари” мавзусидаги республика илмий-амалий онлайн конференцияси // – Тошкент, ТДЮУ, 2020. – 260 б.
7. Абдурахмонова Х. Чет давлат судларининг судга доир топшириқларини ижро этиш ва тан олиш. “Ўзбекистонда судлар фаолияти ва суд ҳужжатлари ижроси: уйғунлиги, бугунги ҳолати ва истиқболлари” мавзусидаги республика илмий-амалий онлайн конференцияси // – Тошкент, ТДЮУ, 2020. – 260 б.
8. Sherzodbek Masadikov RECOGNITION AND ENFORCEMENT OF FOREIGN ARBITRAL AWARDS IN UZBEKISTAN. Access to Justice in Eastern Europe Journal homepage <http://ajee-journal.com>
9. Chukwuma Samuel Adesina Okoli. The recognition and enforcement of foreign judgments in civil and commercial matters in Asia. Journal of Private International Law Pages 522-541 | Published online: 17 Jan 2023. Cite this article <https://doi.org/10.1080/17441048.2022.2115615>
10. <https://cms.law/en/int/expert-guides/cms-expert-guide-to-recognition-and-enforcement-of-judgements/germany>